

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЕВА КАМОЛА РАВШАНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy
(PhD)**

Алиева Камола Равшановна

Ўзбекистон Республикасида гендер тенглигини таъминлашнинг
конституциявий-ҳуқуқий асослари3

Alieva Kamola Ravshanovna

Constitutional and legal foundations for ensuring gender equality in the Republic
of Uzbekistan.....25

Алиева Камола Равшановна

Конституционно-правовые основы обеспечения гендерного равенства в
Республике Узбекистан.....43

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЕВА КАМОЛА РАВШАНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Үс414
рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат юридик университетда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус, (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Беков Ихтиёр Рустамович,
юридик фанлар номзоди, профессор в.б.

Расмий оппонентлар:

Акилов Алимжан Рахимович,
юридик фанлар доктори, профессор

Тастанбекова Гулчехра Садановна,
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Үс.22.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 10 июль соат 10:00даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (968-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» июнда тарқатилди.

(2021 йил «28» июндаги 6-рақамли реестр баённомаси).



Р.Р.Ҳақимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.У.Яқубов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби в.в.б., юридик фанлар доктори, профессор в.б.

М.А.Ахмедшаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда хотин-қизлар ва эркаларга бир хил ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш орқали жамиятнинг барча соҳаларида гендер тенглигини таъминлаш аёлларни ижтимоий-сиёсий соҳадаги ҳуқуқларини кафолатлашнинг муҳим йўналиши сифатида белгиланган. Жумладан, БМТнинг «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида», «Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида»¹ ва БМТ Ривожланиш Дастурининг «Гендер ва ривожланиш» лойиҳаси доирасида давлатларда халқаро тажрибалар асосида аёлларни ижтимоий-сиёсий соҳаларга йўналтириш ва иштирок этиши борасида вазифалар белгиланиб келинмоқда. Ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар дунёда давлатлар томонидан аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ролини ошириш бўйича мақсадли чора-тадбирлар кўриш заруратидан далолат беради.

Жаҳонда гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ва етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш, давлатларнинг мақсадли дастурларини ва қарорларини қабул қилиш жараёнида гендер тенглик тамойилларини жорий қилиш, илм-фан соҳасида жинслар ўртасидаги билимлар бўлиниши бўйича гендер тенгсизлигига барҳам бериш масалаларига муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, манфаатларини таъминлаш, уларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш, давлат ҳокимияти органларида хизмат мавқеини оширишда аёлларга тенг имкониятлар яратиш, аёлларга бўлган камситиш ва зўравонликларни олдини олиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Оғир аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга моддий, психологик, тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни уй-жой ва иш билан таъминлаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, оилада маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш»² масалалари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш устувор вазифа этиб белгиланган бўлиб, мазкур вазифалар ушбу соҳадаги қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни долзарб этиб белгиламоқда.

¹<https://www.un.org/ru/sections/general/documents>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси» (1998), «Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-561-сон (2019), Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-562-сон қонунлари (2019), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5938-сон (2020) Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4235-сон (2019), «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5020-сон (2021), «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5116-сон (2021) қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда гендер тенглигининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатлари юртимиз олимларидан Т.Норбаева, Г. Маткаримова, Н.Юсупова, Н.Аннаева, Н.Латипова, Н.Нишонова, Ш.Ҳамраева, Х.Насруллаева, М.Нурматова, Д.Атажанова ва бошқаларнинг¹ тадқиқот ишларида ўрганилган.

АҚШ ва Европа олимларидан гендер тенглиги ривожланиш босқичларининг ҳуқуқий жиҳатлари В.Куффа Ф.Ингхарт, П.Норрис, С.Велцель Д. Вестбро, Л.Хорелли, Г.Мейзенберг, М.Вудли, С.Дилли, С.Кармишель, А.Рижпма, М.Смит, А.Врайн С.Свитман, Э.Унтерхальтер, А.Норт² каби олимлар тадқиқот ишларида таҳлил қилинган.

Ушбу масалани халқаро-ҳуқуқий ва инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан таҳлили Fridman B., Uolt M., Brayson V., Reuter V., Shuler M., Harris D., Поленина С.Б., Бондарь Н. С., Мамут ЖИ С., Лукашева Е.А., О.М. Вовченко, G.Stoet, D. C.Geary, M.Verloo, Ross K., Padovani C. (ed.), Engeli I., Mazur A., Coe I. R., Wiley R., Bekker L. G., Andersson e., Glas S., Spierings N., Scheepers P., Breda T. ва бошқалар³ томонидан таҳлил қилинган.

Шунга қарамасдан, замонавий шароитларда гендер тенглигининг ҳуқуқий асосларини конституциявий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан

¹ Мазкур илмий ишларнинг тўлиқ номи фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

² Мазкур илмий ишларнинг тўлиқ номи фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

³ Мазкур илмий ишларнинг тўлиқ номи фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

такомиллаштириш, хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаси ва халқаро стандартларни таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини такомиллаштириш масалалари комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида давлат бошқарувини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017 – 2021 й.й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида гендер тенглиги ва уни кафолатлаш билан боғлиқ муносабатларнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гендер тенглигининг юридик табиати ва назарий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш;

гендер тенглигининг тарихи ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

гендер тенглигини таъминлаш бўйича миллий тажриба ва ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлилинини ўтказиш;

халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида гендер тенглигининг ҳуқуқий асосларининг қамровини аниқлаш, уларнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлилинини амалга ошириш;

илғор хорижий мамлакатларда гендер тенглигини таъминлаш тенденцияларини ўрганиш асосида, миллий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда COVID–19 пандемияси шароитида гендер тенгликни таъминлаш муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳуқуқий ечимини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда шахсий ва сиёсий ҳуқуқ соҳаларида гендер тенглигини таъминлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқ соҳаларида гендер тенглигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, уларни халқаро стандартларга мослаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида гендер тенглигини таъминлашнинг конституциявий ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлашнинг ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда конституциявий ҳуқуқда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, индукция, дедукция, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, сифат методларидан интервью, сўровнома натижалари

таҳлили ҳамда миқдор методларидан статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркекларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш, шунингдек шахвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш жинс бўйича бевосита камситиш эканлиги асослаб берилган;

бола туғиш ва она сути билан озиқлантириш вазифалари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда фарқларни белгилаш бўйича чоратадбирлар жинс бўйича камситиш ҳисобланмаслиги асосланган;

медиа маҳсулотларининг гендер экспертизаси ўтказилмаётганлиги, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида хотин-қизларнинг жамият ривожига қўшаётган ҳиссаси ёритилмаётганлиги асослаб берилган;

уй меҳнатида хотин-қизлар ва эркеклар ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенг эканлиги асосланган;

иш берувчилар меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни рўйбга чиқариш бўйича хотин-қизлар ва эркекларнинг ҳаёт фаолиятини ҳамда соғлиғини сақлашни таъминлайдиган, шу жумладан репродуктив функцияларни сақлайдиган хавфсиз меҳнат шароитларни яратишга мажбур эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гендер кўрсаткичлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг статистик маълумотлари асосида ҳам шакллантирилиши мумкинлиги асослаб берилган;

гендер, гендер мейнстриминг тушунчаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги кодекси лойиҳаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасининг асосий вазифалари қаторига мамлакатда барча соҳаларда гендер тенглигини таъминлаш, хусусий ва давлат секторида аёлларнинг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланиши бўйича жамоатчилик эшитувлари, мониторингини юритиш каби вазифаларни киритиш зарурлиги асосланган;

оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш, оила соҳасидаги низоларга профессионал медиаторлар ва уларнинг жамоат бирлашмаларига давлат ижтимоий буюртмаси асосида жалб қилиш лозимлиги асосланган;

жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга қаратилган, гендер стереотипларини тарғиб қилувчи, маъқулловчи, мустаҳкамловчи ахборотдан жамиятни ҳимоя қилиш, бундай ахборотларни ОАВ орқали тарқатишни чеклаш зарурлиги асослаб берилган;

Болалар Омбудсманининг вазифалари қаторига болаларнинг туғилишига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар, шу жумладан, ҳомиланинг жинсига қараб аборт қилдириш ҳолатларини олдини олишга қаратилган

профилактик тадбирларни амалга ошириш вазифасини киритиш лозимлиги асослаб берилган.

никоҳ(оила)ни сақлаб қолиш имконияти қолмаган тақдирда, вояга етмаган фарзандларни турар-жой билан таъминлаш мажбуриятини ота ва онага тенг масъулият сифатида юклашни қонунчиликка киритиш зарурлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган илмий-назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонунчилик нормаларининг ўзаро таҳлил қилингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, натижаларнинг етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилингани, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш, қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Конституциявий ҳуқуқ», «Конституциявий ҳуқуқ фанининг долзарб илмий-амалий муаммолари» каби ҳуқуқий фанларини ўқитиш ва методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гендер тенглигини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек оила соҳасида тадқиқотларни ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар қуйидагиларда фойдаланилган:

жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш жинс бўйича бевосита камситиш эканлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2020 йил 1 декабрдаги 05/1-04-253-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши гендер камситишлар доирасини аниқлашга хизмат қилган.

бола туғиш ва она сути билан озиқлантириш вазифалари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда фарқларни белгилаш бўйича чора-тадбирлар жинс бўйича камситиш ҳисобланмаслиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2020 йил 1 декабрдаги 05/1-04-253-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши гендер камситишлари ва уларнинг доирасини аниқлашга хизмат қилган.

медиа маҳсулотларининг гендер экспертизаси ўтказилмаётганлиги, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида хотин-қизларнинг жамият ривожига қўшаётган ҳиссаси ёритилмаётганлиги ҳақидаги таклиф “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасининг гендер тенгликка эришиш стратегияси”нинг “Бугунги ҳолат ва мавжуд муаммолар” деб номланувчи иккинчи боби 31-хатбошисини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасининг 2021 йил 2 июндаги 1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши гендер сиёсатини ривожлантиришда медиа маҳсулотлари ва электрон оммавий ахборот воситаларининг ўрнини оширишга хизмат қилган.

уй меҳнатига нисбатан хотин-қизлар ва эркаклар ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг тенг эканлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2020 йил 1 декабрдаги 05/1-04-253-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши оилавий муносабатларда гендер тенглигини таъминлашга хизмат қилган.

иш берувчилар меҳнат шароитларини яратишда хотин-қизларнинг репродуктив функцияларини сақлайдиган хавфсиз меҳнат шароитларни яратишга мажбур эканлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2020 йил 1 декабрдаги 05/1-04-253-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши меҳнат муносабатларида гендер тенглигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, илмий журналларда 6 та (2 та хорижий нашрларда) ва тўпламлар таркибида 5 та илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат.

Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Гендер тенглигининг юридик табиати ва унинг шаклланишининг тарихий босқичлари**» деб номланиб, унда гендер тенглигининг юридик табиати ва назарий-ҳуқуқий асослари, гендер тенглигининг тарихи ва ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган.

Диссертант гендер, гендер тенглиги тушунчаси, унинг моҳияти, ушбу тушунчаларни тушуниш билан боғлиқ илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатган ҳолда, эркаklar ва аёлларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тенглиги тўғрисидаги назарий-ҳуқуқий қарашларни илгари суришдан олдин “тенглик” ва “тенг ҳуқуқчилилик” каби тушунчаларнинг амал қилиш чегараларини таҳлил қилиш, шунингдек ушбу тушунчаларни гендер ва жинси билан боғлиқлигини аниқлаш зарурлигини қайд этади.

Диссертацияда гендер тенглигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор назариялар, жумладан, психологик, антропологик, социологик, иқтисодий назариялари; либерал ва радикал феминист назариялари; оила ва уй ҳўжалиги, ижтимоий ва меҳнат роллари назариялари ҳамда гендер ролларининг анъанавий, ўтиш даври ва тенглик (эгалитар) назарияларининг диссертация мавзусига алоқадор масалалари қиёсий таҳлил қилинган. Диссертант Ўзбекистонда гендер тенглиги соҳасида олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотлар концептуал жиҳатдан ўтиш даври назариясига мувофиқ, деган хулосага келган.

Замонавий юридик адабиётларда “тенглик” ва “тенг ҳуқуқчилилик” тушунчаларини тушуниш ва уларни ўзаро нисбатини аниқлаш бўйича кўплаб таниқли олимлар ва тадқиқотчилар (М.В.Баглай, Б.С.Нерсисянц, М.Н.Козюк, Абу Наср Форобий, Олимпия Де Гуж) фикрларини батафсил таҳлил қилган ҳолда, ўзининг соф шаклида тенглик бир субъектнинг бошқасига нисбатан тенглигини расмий шакли бўлиб, субъектнинг ҳар бир индивидуал хусусиятини бошқа субъектга нисбатан тенглаштиришда ифодаланадиган ва шу билан уларнинг ўзаро ўзига хослигини кўрсатувчи тушунча деган хулосага келган.

Тадқиқотчи эркак ва аёллар тенглиги, “гендер” атамасини бугунги кундаги тушуниш билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни даврларга бўлиб тадқиқ қилган ҳолда, ўтган асрнинг 70-йилларида Европа давлатларида илгари сурилган гендер тенглигини тушуниш бўйича қарашлар билан (Robert

Stoller, Entoni Giddens) XX асрнинг иккинчи ярмида олимлар томонидан (Fridman B., Uolt M., Brayson V., Reuter V., Shuler M., Xarris D., Поленина С.Б., Бондарь Н. С., Мамут ЖИ С., Лукашева Е.А.) илгари сурилган қарашлар ўртасидаги фарқлар, ёндашувларни таҳлил қилган ҳолда, улар асосан ижтимоий давлатнинг моҳиятини ва унинг гендер муаммоларини ҳал қилишдаги ролини ўрганишга йўналтирилганлигига эътибор қаратган.

Сўнгги йилларда глобаллашув жараёни ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар халқаро даражада қизгин муҳокама қилинаётган даврда гендер тенглиги ва уни турли иқтисодий-ижтимоий соҳаларда таъминлаш масалалари бўйича хорижий олимлар (G.Stoet, D.C.Geary, M.Verloo, Ross K., Padovani C. (ed.) , Engeli I., Mazur A. , Coe I. R., Wiley R., Bekker L.G. , Andersson E., Glas S., Spierings N., Scheepers P., Breda T.) томонидан ўтказилган тадқиқотлар асосан социологик ва ижтимоий соҳада олиб борилган бўлса, охириги беш йилликдаги тадқиқотлар асосан соғлиқни сақлаш тизимида гендер тенглигини таъминлаш (G. R.Gupta), ЯИМ ва гендер тенгсизлигининг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш (A.Falk, J.Hermle), COVID–19 пандемиясининг гендер тенглигига кўрсатган салбий таъсири (Т. М.Алон), илм-фан, тиббиёт ва глобал соғлиқдаги гендер тенглигининг бугунги кундаги ҳолати ва муаммоларга бағишланган ишлар (G.Shannon) ва бошқаларга бағишланганлигини кўрсатиб ўтиш зарур.

Диссертантнинг фикрича, гендер тенглигини таъминлаш, аввало, хотин-қизларнинг билим олиши, касб танлаши, лавозимда кўтарилиши билан боғлиқ ижтимоий балансни таъминлашга хизмат қилади. Социологик нуқтаи назардан эркак ва аёлнинг ҳамма нарсада тенг имкониятларга эга бўлиши жамиятнинг қарийб тенг ярмини ташкил этадиган аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш бўйича ижтимоий тарихдан маданий тарихга ўтишга хизмат қилади.

Тадқиқотчи гендер дискриминациясининг мазмунини таҳлил қилган ҳолда, расмий дискриминация инсонларнинг объектив фарқларидан келиб чиққан нотенгликда (ҳам ҳуқуқий, ҳам фактик) ўз ифодасини топади ва жамоатчиликнинг онгида ёки ҳуқуқда мустаҳкамланган бўлишини таъкидлаган. Энг кенг тарқалган расмий дискриминация турларига ирқий, жинсий, этник ва диний дискриминацияларни келтириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Ҳар қандай дискриминация икки кўринишда бўлади: позитив(ижобий) ва негатив (салбий). Ижобий дискриминация деганда, барча учун тенг имкониятларни (аммо ҳуқуқларни эмас) кафолатлаш мақсадида, дискриминацияга учраган алоҳида гуруҳ инсонларга нисбатан имтиёзлар тизимини жорий этиш тушунилади. Ушбу гуруҳ вакиллари етим болалар ва ота-онасининг қарамоғида бўлмаган болаларга ОТМларга имтиёзли кириши, шунингдек, аёллар, фарзанди бор шахслар учун меҳнат муносабатларини махсус ҳуқуқий тартибга солиниши ва бошқалар киради.

Диссертант гендер бу маълум ижтимоийлашувга йўналтирилган тизим бўлиб, ушбу тизим меҳнат тақсимоти, маданий меъёрлар, жамиятда қабул қилинган роллар ва стереотиплар орқали қурилишини, у ҳар қандай давр ва

жамиятда ижтимоий жараёнларни тушуниш воситаси ҳисобланишини кўрсатиб ўтган.

Гендер тенглигини тадқиқ қилиш тенденцияларида ҳам ўзгаришлар юзага келмоқда, жумладан гендер тенглиги индексининг тарихий илдизлари (S.Dilli), спорт мусобақаларида гендер тенглигининг ривожланиш босқичлари (M.Smith ва M. Wrynn), меҳнат муносабатларида гендер тенглигининг вужудга келиш асослари (C.Sweetman), таълим соҳасида гендер муаммоларини (Э.Унтерхальтер) таҳлил қилган ҳолда гендер тенглиги бўйича янги тенденциялар инновацион ривожланиш асосида доимий такомиллашиб бораётганлигини кўрсатади.

Тадқиқотчи томонидан гендер тенглиги ривожланишининг тарихий босқичлари Миср, Юнонистон, Қадимги Рим, Қадимги Турон (Авесто) мисолида таҳлил қилинган ҳолда, аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва кўтариш бўйича Ислом таълимотининг ўрни беқиёс эканлигига урғу берилган.

Исломда аёл билан эркакнинг тенглиги ҳақида тушунча мавжуд бўлса-да, бундай ёндашувдаги ўзига хослик исломда эркак ва аёл шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларга бир хилда эгаллиги эътироф этилади. Бир сўз билан айтганда, Ислом таълимоти инсониятга аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг аҳамияти, оналикни муҳофаза қилиш, асраш, эркакларнинг аёллар олдидаги бурчларини белгилаб, аёлнинг мақомини кўрсатиб берганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда гендер тенглигининг тарихий ривожланишини 3 та босқичга бўлиб ўрганиш мумкинлиги аниқ фактлар билан асослантирилди. Биринчи босқич – 1991 – 2003 йилларда хотин-қизларнинг жамоат бирлашмаси сифатида вакиллиги – Хотин-қизлар кўмитаси ташкил этилиши асносида аёлларнинг шахсий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини таъминлашнинг дастлабки ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилиши билан характерланади. Иккинчи босқич – 2004 – 2016 йилларда аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштирокини такомиллаштириш амалга оширилди, чунончи, вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқида аёл номзодларга 30 фоизлик квота ажратилди ва маҳалла идораларида аёлларнинг муаммолари билан тизимли шуғулланиш жорий этилди. Учинчи босқич – 2017 йилдан ҳозирги кунга қадар хотин-қизлар манфаатларига доир, халқаро стандартлар асосида 24 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши билан узоқ йиллардан буён ечимини кутган оилавий гендер тенгликка оид муаммоларни комплекс ҳал этишга қаратилган давлат сиёсати амалга оширила бошланди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Гендер тенглигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари**» деб номланиб, унда гендер тенглигининг миллий-ҳуқуқий асослари, халқаро-ҳуқуқий асослари, илғор хорижий мамлакатларда гендер тенглигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлиliga бағишланган.

Миллий қонунчилигимизда аёллар ҳуқуқлари конституциявий даражада кафолатлаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Конституциясининг 46-моддасида «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар» дейилган. Шу билан бирга,

қонунларимизда оналик ва болаликнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, жумладан, ҳомиладор аёллар учун ҳақ тўланадиган таътил ва бошқа имтиёзлар берилиши, ёш болали оналарнинг иш вақти қисқартирилиши ҳам кафолатланган.

Айнан аёллар ва эркакларга тенг имкониятлар яратиш доктринаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддаси ва уни амалга ошириш учун қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддаси, Меҳнат кодекси 6-моддасининг биринчи қисми, Оила кодексининг 2-моддаси алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Кейинги уч йилда мамлакатимизда хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган қарийб 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан 2 та қонун, Президентнинг 6 та фармон ва қарори, 16 та Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинди. Биринчи марта Сенатда Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари бўйича кўмита ташкил этилди.

Диссертантнинг фикрича, сўнгги йилларда қабул қилинган махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида эркаклар ва аёлларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини камайтиришга ёки тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш жинси бўйича бевосита камситиш, сиртдан холис бўлиб туюладиган, бироқ бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятлар, ҳолатлар, мезонлар ёки амалиётлар эса жинси бўйича билвосита камситиш сифатида қабул қилиниши белгилаб қўйилган.

Диссертант гендер тенглигини таъминлашнинг миллий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилган ҳолда, 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси хотин-қизларимиз учун янги имкониятлар эшигини очди. Ушбу стратегияда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш бўйича давлат сиёсатини янада такомиллаштириш кўзда тутилганлигини, ушбу стратегик ҳужжат асосида мамлакатимизда хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини тобора ошириш – давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганлигини қайд этади.

Гендер комиссияси томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, 2020 йил ҳолатига кўра ички ишлар органлари томонидан тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга 14 774 та ҳимоя ордери расмийлаштириб берилган. Бу кўпроқ Тошкент шаҳри, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё, Андижон вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳиссасига тўғри келган. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг 6281 таси руҳий, 6836 таси эса жисмоний, 1480 таси тазйиқ, 121 таси иқтисодий, 56 таси жинсий зўравонликдан иборат.

Диссертант томонидан гендер тенглигини таъминлашнинг фундаментал асослари 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида, 1966 йилги Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда, 1979 йилги Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияда мустаҳкамланганлиги, ушбу ҳужжатларнинг ўзига хослиги таҳлил қилинган ҳолда, уларда назарда тутилган қоидаларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида акс этганлиги таҳлил қилинган.

Диссертант гендер тенглигини таъминлашда халқаро-ҳуқуқий стандартларнинг аҳамияти ва миллий қонунчиликка таъсири бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар (Р. Б. Сарсембаева, Р. А. Торосян, Fagan С., Rubery J. F.D. Blau, L.M. Kahn) таҳлил қилинган ҳолда, халқаро ташкилотлар ва махсус халқаро ҳужжатларнинг пайдо бўлиши узок вақт давомида аёллар эркаклар билан тенгсиз бўлганлиги билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат аёлларнинг ролини камситадиган анъанавий стереотиплар, шунингдек анъанавий, маданий ва диний урф-одатлар ва эътиқодларнинг мавжудлиги туфайли юзага келган деган қарашни қўллаб-қувватлайди.

Тадқиқотчи ўтказилган таҳлиллар асосида, ҳозирги вақтда дунёнинг деярли барча мамлакатлари томонидан эркаклар ва аёлларнинг тенглиги тан олинган, аммо жамиятда турли хил хурофотлар ва стереотиплар ҳанузгача сақланиб келмоқда, бу эса гендер тенгсизлигини келтириб чиқараётганлигига эътибор қаратади.

Аммо, аксарият давлатлар ўзларининг конституцияларига эркаклар ва аёллар ўртасида тенгликни таъминлаш, халқаро ҳамжамиятнинг тавсияларига биноан жинси бўйича камситишни тақиқлаш каби қоидаларни киритганига қарамай, улар турли омиллар, стереотиплар ҳали-ҳануз давом этиши натижасида гендер тенглиги тўлиқ таъминланмаяпти.

Диссертант инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар гендер тенглиги ва жинс бўйича камситишнинг йўл қўйилмаслиги каби муҳим тамойилларга асосланган бўлса-да, гендер тенглигини таъминлаш бўйича халқаро стандартларни ўз ичига олган халқаро ҳужжатларнинг қоидалари тўлиқ амалга оширилмаётгани, бу жинсга кўра камситишлардан ҳимояланишнинг самарали миллий механизмларининг етишмаслиги билан боғлиқлигини кўрсатиб ўтган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистонда гендер тенглигини конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланиб, унда Ўзбекистонда шахсий ва сиёсий ҳуқуқлар соҳасида, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар соҳасида гендер тенглигини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, Ўзбекистонда COVID–19 пандемияси шароитида гендер тенгликни таъминлаш муаммолари каби масалалар таҳлилига бағишланган.

БМТ эълон қилган илмий тадқиқот натижаларига кўра, COVID–19 даврида тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган аёл врачлар ва ҳамширалар ҳамда бошқа тиббиёт муассасалари ходимларини меҳнат ҳуқуқлари қўпол равишда бузилган. Иккинчи ҳолатда эса улар ўз меҳнат

фаолиятини эркактарнинг тазйиқи туфайли бажаришдан бош тортган ҳолда, келгусида ишсиз бўлиш йўлини танлаганлар.

2020 йил коронавирус пандемияси туфайли аёлларнинг аҳволи ёмонлашди. БМТ маълумотларига кўра, пандемия яна 47 миллион аёл ва қизни қашшоқлик чегараси остига қўяди. Дунёда 2021 йилда ҳам пандемия яқунланмаслиги хавфи, ушбу зўравонлик ва иқтисодий қийинчиликларни янада кучли тўлқин билан бўлиш хавфини юзага келтиради.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган демократик давлатларда оилавий зўравонликка оид ҳуқуқбузарликлар учун турли жавобгарлик чоралари белгиланган. Пандемия таъсирида аёллар томонидан махсус хизматларга қуйидаги асосий муаммолар бўйича мурожаат бўлган: оилавий зўравонлик; кибер оламда қўрқитиш; болалар никоҳи; жинсий таъқиб қилиш ва зўравонлик.

Диссертантнинг фикрича, гендер тенглигига оид муаммоларни фақат call-марказга мурожаатлардан аниқлаш мақсадга мувофиқ эмас. Марказий Осиё халқларининг миллий менталитетидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, махсус ваколатли органларга оилавий зўравонлик ҳолатлари бўйича мурожаат қилиши жамоатчилик томонидан минг йиллар давомида шаклланган оилавий қадриятларга зид деб ҳисобланади.

Тадқиқотчи қисқа давр ичида пандемия даврида гендер тенглигини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилганлигини қайд этган ҳолда, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилганлигини таҳлил қилади: аёлларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларига таъсири (Т.М.Алон), аёллар ўлимининг ортиши (Р. Адамс), аёлларнинг муаллифлик ҳуқуқлари бузилиши (А.Пиньо Гомез), аёлларнинг оилавий мажбуриятларининг ошиши (К.Поуэр), аёлларнинг озиқланишига салбий таъсири (С. Рагаса, И.Ламбрехт), аёлларнинг илмий-тадқиқот фаолиятига таъсири (Ж.Малиш), эркак ва аёллар иш вақтининг номутаносиблиги (С.Колинз), гендер тенгсизлигида давлатларнинг жавобгарлиги масаласи (Н. Фортиер), аёллар таълим олишига таъсири (Х. Де Орвиль), Германияда “локдаун”нинг аёллар ҳуқуқларига таъсири (С.С.Чимара, А.Лангенкамп, Т.Кано), аёлларнинг илмий ҳамжамиятларига, илмий-тадқиқот фаолиятига таъсири (Б.П.Габстер Р.Суи, Х.Динг, Ф.Жу), турар-жойга эгалик қилиш ва карьера қилиш масалалари (М.Олешук) кабилар.

Диссертант фикрича, пандемия даврида гендер тенглигини хавф остида қолдирган асосий омиллардан бири – маиший зўравонлик муаммосидир. Минг йиллар давомида шаклланган патриархал оиланинг асосий инстинкти эркактарда аёлнинг ҳаракатларини, мимикалари, ички кечинмаларини куч билан бошқаришга бўлган уриниш аёлнинг шахсий ҳаёт ва индивидуал эркинлигини чеклайди. Олимлар инсоннинг бахтли бўлиш ва эркинлик ҳуқуқини яшаш ҳуқуқининг таркибий қисми сифатида кўради.

Шу боис, пандемия даврида аёлларга ҳимоя ордерини беришнинг амалдаги тартибини рақамлаштириш ва жабрланувчининг яшаш шароитини ўрганиб чиқиб, ордер беришнинг 24 соатлик муддатини 12 соатга

камайтириш таклиф этилади. Мазкур тартиб профилактика инспектори томонидан ордер бериш масаласи кўриб чиқилгандан сўнг автоматик равишда эрнинг мобил телефониغا ҳимоя ордери бўйича асосий маълумотларни СМС-хабарнома шаклида юборилишини назарда тутди.

Эркак ва аёлларнинг интернетдан фойдаланиши бўйича тадқиқот шуни кўрсатдики, эркаклар интернетга аёлларга қараганда кўпроқ вақт сарфлашади. Аёллар кўпроқ вақтни ижтимоий тармоқларда, онлайн харид қилишда ва электрон почта орқали ўтказадилар. Хусусан, аёллар умуман ҳафтасига ўртача беш соат ижтимоий тармоқларда, эркакларникига қараганда ҳафтасига 36 дақиқа кўпроқ ва 16 ёшдан 20 ёшгача бўлган ёш аёллар – бошқалардан кўра кўпроқ вақт сарфлайди. Ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар ўртасида ушбу тенденцияларнинг қандай фарқ қилишини яхшироқ тушуниш керак, чунки улар давлат сиёсати ва дастурларига таъсир қилади.

Диссертант томонидан сўнгги йилларда аёлларни ахборотга бўлган ҳуқуқларини чеклаш ҳолатларини амалиёт асосида таҳлил қилган ҳолда, пандемия шароитида аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида аёлларнинг интернет саводхонлигини ошириш бўйича Концепция ишлаб чиқиш таклиф этилган.

Бельгия тажрибасига кўра, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси таъсисчилигида Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бунда форс-мажор ҳолатлари сабабли пенсия ёшига етмаган ҳолда меҳнат фаолиятини тугата олмаган аёлларга жамоат фонди ҳисобидан махсус нафақа тайинлаш таклиф этилган.

Тадқиқотчи учинчи авлод ҳуқуқи — бу шахс томонидан эмас, балки жамоатчилик ёки миллат томонидан амалга оширилишини қайд этиб, инсон ва фуқароларнинг жинсидан қатъи назар камситишдан ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича гендер мейнстриминг (Gender mainstreaming) сиёсатини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Гендер мейнстриминг – гендер тенглиги муаммосига кенг қамровли ёндашув бўлиб, барча фаолият соҳаларида эркаклар ва аёллар ўртасидаги ижтимоий, маданий, иқтисодий ва сиёсий фарқларни ҳисобга олган ҳолда, замонавий жамиятни ташкил этишнинг барча тизимида гендер тенглиги мезонларини киритиш зарурлигини аниқлатади.

Тадқиқотчи фикрича, Меҳнат кодекси нормалари меҳнат муносабатлари соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ва тенг имкониятлар таъминланишини кафолатлашга қаратилган бўлса-да, гендер тенглиги принципларини бузадиган қатор қоидалар мавжуд. Шу билан бирга, меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун ишга кириш ва меҳнат фаолиятини юритиш жараёнида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини аниқлаштиришга муҳтож нормалардан ҳоли эмаслигини асослаб берган.

ХУЛОСА

«Ўзбекистон Республикасида гендер тенглигини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари» мавзусидаги тадқиқот иши натижасида қуйидаги амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий хулосалар

1. Гендер тушунчасининг назарий-ҳуқуқий асослари таҳлили, “гендер – жамиятда аёллар ва эркакларнинг ижтимоийлашувига йўналтирилган тизим бўлиб, ушбу тизим меҳнат тақсимоти, маданий меъёрлар, жамиятда қабул қилинган роллар ва стереотиплар орқали курилади” деган илмий-назарий хулосага келинди.

2. Учинчи авлод ҳуқуқи — бу шахс томонидан эмас, балки жамоатчилик ёки миллат томонидан амалга оширилади. Шу боис, Ўзбекистонда инсон ва фуқароларнинг жинсидан қатъи назар камситишдан ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича гендер мейнстриминг (Gender mainstreaming) сиёсатини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3. Гендер мейнстриминг – гендер тенглиги муаммосига кенг қамровли ёндашув бўлиб, барча фаолият соҳаларида эркаклар ва аёллар ўртасидаги ижтимоий, маданий, иқтисодий ва сиёсий фарқларни ҳисобга олган ҳолда, замонавий жамиятни ташкил этишнинг барча тизимида гендер тенглиги мезонларини киритиш зарурлигини аниқлатади.

4. Гендер тенглиги бўйича халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўрнини ошириш мақсадга мувофиқ. Аёлларни иш билан таъминлаш, аёлларни зўравонликлардан ҳимоя қилиш, аёлларни таълимга оид ҳуқуқларини таъминлаш каби муҳим масалалар бўйича ҳудудлар кесимида манзилли равишда ННТларга ижтимоий шериклик асосида ижтимоий буюртма, субсидия ва грантларни ажратиш амалиётини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

